



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 29 декабрь, № 250 (5165) • Чоршанба

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

НАМАНҒАН. Тўрақўрғон туманидаги "Сайрам" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 50 та тураржой ўз эгаларига топширилди.

Қулай ва кўркам тураржойлар

Таъкидлаш кераки, уларнинг ҳар бири зарур коммуникация воситалари — тоза ичимлик суви, табиий газ ва иссиқлик тизими билан таъминланган. Қурувчилар бу ерда савдо мажмуаси, болалар спорт майдончаси ва ёшлар хиёбонини ҳам барпо этишди. Янги даҳа қурилиши учун 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН. Избоскан туманидаги "Тагус текстиль" қўшма корхонасида кенг қўлмли модернизация ишлари олиб борилгач, ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошиб, маҳсулот сифати ҳам тубдан яхшиланди.

Экспорт ҳажми ошмоқда

Хусусан, корхонанинг 325 кишилик жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида 4 миллиард 240 миллион сўмлик калава ип тайёрлади. 3 миллион 209 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди.

Этироф этиш кераки, тумандаги экспортчи корхоналар томонидан шу йилнинг ўтган даврида 8 миллион 256 минг АҚШ долларлик маҳсулот ҳақон бозорига чиқарилди.

О. ШОДМАНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВОИЙ. Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Зарафшон овози" масъуляти чекланган жамияти 222 миллион сўмлик маблағ эвазига ўз фаолиятини кенгайтирди.

Сифат яхшиланди, фойда ортди

Натижада бу ерда кунига 80 тоннагача сифатли оҳак тайёрлаш имконияти яратилди.

Таъкидлаш кераки, корхона жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида қурилиш ташкилотлари-га тўққиз юз миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД тиббиёт институтида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ҳамда хорижий соҳа мутахассислари ва тадқиқотчи олимлар иштирок этди.

Шифокорлар кенгашдилар

Анжуман қатнашчилари дастлаб мазкур даргоҳда истиқлол йилларида тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, тадбирда институтда ўқув ишлари самарадорлигини янада ошириш, янги педагогик технологияларни амалиётда қўллаш хусусида ҳам сўз борди. Бундан ташқари, соҳа мутахассислари тиббиётда эришилган муваффақиятлар ҳамда янгиликлар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Конференцияда вилоят ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. Галаосий шаҳарчасида "Ой, юлдуз бред" хусусий корхонасининг нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технологик линияси ишга туширилди.

Байрам дастурхонига тухфа

Бунинг учун 38 минг АҚШ долларлик маблағ сарфланди.

Ҳозир ўн киши меҳнат қилаётган корхонада замонавий технологиялар ёрдамида кунига бир тоннадан зиёд 15 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИЛИМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ


Мамлакатимиз тараққиётида малакали кадр, юксак заковатли мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Шу боис истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол этиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мазкур тизимда туб ислохотлар самарали равишда амалга оширилмоқда.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Юртимизнинг барча гўшаларида қад ростлаётган ҳашаматли касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар ана шу эътибор самарасидир. Энг муҳими, мазкур илм масканларининг барчаси янги ва замонавий технологиялар билан таъминланган.

Нукус шаҳридаги политехника касб-хунар коллежи ҳам ёшларнинг сеvimли масканларидан бири. Ҳозир илм даргоҳида мингдан зиёд йигит-қиз 12 та ихтисослик бўйича таълим олмоқда. Уларга 80 нафар малакали ўқитувчи ва 30 нафар ишлаб чиқариш мутахассиси сабоқ бериб келаётир. — Ёшларга пухта билим бериш мақсадида илғор технологиялардан самарали фойдаланаяпмиз, — дейди касб-хунар коллежи директори Есенгелди Қосжанов. — Хусусан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги лойиҳаси асосида билим даргоҳимизда "Металлга ишлов бериш" ва "Пайвандлаш" йўналиши бўйича фаолият йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).



ТРОЙСДОРФДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАЪРУЗАСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР

Германиянинг Тройсдорф шаҳрида ўтказилган "Ротари клуби" аъзолари йиғилиши доирасида Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг парламент палаталари қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

У мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда республика-мизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ҳақида йиғилганларга атрофлича маълумот берилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида ўз ифодасини топган давлат ҳокими-яти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислохотлари ва иқтисодийни янада либераллаштириш борасидаги ислохотларни чуқурлаштиришдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар мулоқотларнинг бош мавзуси бўлди.

Президентимизнинг ушбу маърузасида белги-лаб берилган муҳим йўналишлар тадбир иштирокчи-

Дунё нигоҳи

ларида катта қизиқиш уйғотди. — Ўзбекистон ўзига хос ривожланиш тарихига эга бўлган давлатдир, — дейди "Ротари клуби" раиси, Вайнштефан-Тройсдорф университетининг собиқ

ректори, профессор Х. Штрёбел. — Мамлакатингизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодийни ривожлантириш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий соҳаларни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш бўйича олиб берилган ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Унинг фикрига кўра, Президент Исрол Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ўз ифодасини топган иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситалари соҳаларида демократик ислохотларни янада чуқурлашти-риш борасидаги асосий

Анжуман

Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида "Мамлакатимиз аграр соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни" ҳамда "Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришда фермер хўжалиқларининг ҳиссаси" мавзуларида семинар ташкил этилди.

«Жаҳон» АА,
Тройсдорф, Берлин

Қишлоқ хўжалигининг етақчи кучи

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, уюшманинг вилоят филиаллари раҳбарлари, фермерлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Таъкидландики, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар туфайли тизимда улкан ўзгаришлар кузатилмоқда. Фермерларнинг ерга эғалик қилиши ва ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳисси орттириши натижа-сида бугунги кунга келиб, улар том маънода тармоқ-нинг етакчи кучига айлан-моқда. Республикада етиштирилаётган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерларнинг ҳисса-сига тўғри келаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Фермерларнинг ҳақиқий қишлоқ мулкдорлари сифатида шаклланишида, айниқса, уларга кўрсатила-ётган хизмат ва ярати-лаётган имкониятларнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Назорат

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р. Қодиров раислигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралар-аро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК ВА САМАРА

Республика идоралараро комиссияси ва унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ва тегишли идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирли-ги ва унинг қуйи тизимла-ри ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоят худудий идоралараро комиссия-ларининг одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятини ўрганиш нати-жалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

«КЕЛДИК, КЎРДИК, ҲАВАС ҚИЛДИК!»

"Ўзбекистон — улкан салоҳиятли мамлакат, бағрикенг, меҳмондўст инсонлар юрти, табиати бетақдор улка". Саёҳат, турли кўргазма ва мусобақаларда ишти-рок этиш мақсадида ёки ҳамкорлик юзасидан юртимизга таширф буорган меҳмонлардан мана шундай самимий сўзларни кўп бор эшитганмиз. Бу бизга алоҳида фахр бағишлайди, албатта. Истиқлол йилларида мамлакатимизда туризм индустрияси изчил ривожланиб, нафақат тарихий шаҳарларимиз, балки жойларда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни кўриш иштиёқида келаётганлар

сонини йилдан-йилга ортиб бермоқда. Бундан ташқари, 2010 йилнинг ўзидея республикамиз бир қатор халқаро аҳамиятга молик иқтисодий, сиёсий тадбирлар, шунингдек, нуфузли спорт мусобақаларига мезбонлик қилди. Энг муҳими, дунёнинг беш қитъасидан таширф буорган меҳмонларнинг қай бири билан суҳбатлашмай-лик, улар Ўзбекистонда бўлганликларидан жуда мамнун эканликларини айтишди. Янги йил байрами арафасида уларнинг айримлари билан учрашганимизда, бунга яна бир қарра амин бўлдик.

Йоштакни ХИРОФУМИ (Япония): — Таассуротларим бир олам. Одамлар байрамона кайфиятда. Ана шу муҳит менга ҳам таъсир қилиб, кўнглим тоғдек кўтарилди, ўзимни енгил хис эта бошладим. Тошкент марказидаги меҳмонхоналардан бирига жойлашган-миз. Хонам юқори қаватда, бу атроф-ни томоша қилиш учун ҳам жуда қулай. Дастлаб меҳмонхона яқинидаги оппоқ бино эътиборимни тортди. Жудаям ма-ҳобатли. Ташқарига чиқиб, уни томо-ша қилдим. Одамлардан сўраб бил-димки, бу муаззам иншоот "Ўзбеки-стон" халқаро анжуманлар саройи деб юритиларкан. Меъморий ечимини пухта

уйланган, атрофдаги бинолар ҳам ўзига хос уйғунлик касб этади. Бино-нинг шундоққина рўпарасида Амир Темур хиёбони жойлашган.

Эътироф

оз совуқ бўлса-да, одамлар сайр қилиб юришибди. Мен ҳам озроқ айландим, ундан ўтиб, Мустақиллик майдонига бордим. Бу ерда ҳақиқий Янги йил шукӯхи ҳукмрон. Кимдир совға-салом харид қилапти, яна кимдир ҳажжи фарзандини етаклаб, турли кўнгилочар дастурларни томоша қилапти. Буларнинг барчаси халқнинг яхши кайфиятда яшаётганидан нишона.

Танишларим "Тошкентда "Япон боғи" бор", дейишганида, аввалига ишонмагандим. Бориб ўз кўзим билан кўрдим. Юрагим ҳарриқиб кетди. Бу боғ икки давлатнинг ўзаро дўстона му-носабати рамзидир. Рухим енгил торт-ди. Айтишадими-ку, Янги йилни қандай қарши олсанг, ана шу кайфият йил бўйи сенга ҳамроҳ бўлади, деб. Мен байрам арафасидаёқ Ўзбекистонда ана шундай бой таассурот орттирдим, кўнглим чоғ бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, бу азиз юрт одамларини 2011 йил билан табриклаб, бахт ва омад доимо ёр бўлсин, деб қоламан.

(Давоми 3-бетда).

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда замонавий минитехнологиялар билан жиҳозланган 135 та қайта ишлаш корхонаси қурилиб, ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш доирасида бунёд этилган бу корхоналарда эндиликда мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари қайта ишланиб, эл дастурхонига етказиб берилмоқда.

БИР РАҚАМ
ШАРХИ

135

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш доирасида бунёд этилган бу корхоналарда эндиликда мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари қайта ишланиб, эл дастурхонига етказиб берилмоқда.

«КЕЛДИК, КЎРДИК, ҲАВАС ҚИЛДИК!»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энрико ДАМАТО (Италия):

— Самолётдан тушишим билан юзимга ёқимли шабада урилди. Худди табиат ҳам "Жаннатдан юртга хуш келибсиз!" дегандек бўлди. Тоza ҳаводан симириб-симириб нафас олдим. Кўчалар, бинолардаги безаклар, ранг-баранг чироқлар, арчалар, энг асосийси, одамлар юзидаги кўтаринки кайфиятга гувоҳ бўлиб, ўзингизни янада беғубор ҳис қилар экансиз. Айниқса, Мустақиллик майдони ва у ердаги бири-бирдан чиройли меъморчилик ансамбллари ҳайрат билан томоша қилдим. Уша ердаги улкан арча жуда ёқди. Унинг атрофида ўсимини бахтиёр ҳис қилаётган. Касбим юзасидан Ўзбекистоннинг кўп шаҳарлари-га бир неча бор борганман. Улкан бунёдкорликлар, узғаришларга гувоҳман. Хусусан, спортни ривожлантириш мақсадида бири-биридан кўркам, замонавий спорт мажмуалари, стадионлар қурилди. Бу каби катта эътибор ўз самаралари-

монхоналарда хизмат кўрсатиш даражаси ҳам юқори. Хуллас, биз каби сайёҳлар учун барча қулайликлар муҳайё қилинган. Тўғриси, юртингизнинг бу даражада гўзаллигини тасаввур қила олмасдим. Адашган эканман. Кейинги гал яна учрашиб қолсак, асло ажабланманг. Сабаби, Ўзбекистон мени ўзига мафтун этиб қўйди.

Давид ОНИЯ (Нигерия):

— Шу юртда болалик орзуларим амалга ошди. Ўзим суйган касб билан шугулланаяпман. Тўғриси, Самарқанднинг "Динамо" футбол клуби аъзосиман. "Ўзбекистон — иккинчи Ватаним" десам ҳам муболаға бўлмайди. Шундай бағрикенг юртда ўзимни бахтиёр ҳис қилаётган. Касбим юзасидан Ўзбекистоннинг кўп шаҳарлари-га бир неча бор борганман. Улкан бунёдкорликлар, узғаришларга гувоҳман. Хусусан, спортни ривожлантириш мақсадида бири-биридан кўркам, замонавий спорт мажмуалари, стадионлар қурилди. Бу каби катта эътибор ўз самаралари-

ни бераётганини Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаб, мундиаль йўлланмасини қўлга киритгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўп байрамларни шу ерда, дўстларим даврасида нишонлаганман. Масалан, легионер дўстларимнинг аксарияти Янги йилни уйда кутиб олиш учун кетти. Мен эса қолдим. Аввалига Алишер Навоий кўчасидаги марказий майдонга бориб, байрам тadbирларини томоша қиламиз. Кейин дўсту биродарларни бирма-бир табриклаб, 2011 йилни уйимизда нозу неъматлар билан безатилган дастурхон атрофида қарши оламиз.

Йохан ВЕРСЛАЙН (Австралия):

— Интернет манбаларида Ўзбекистон жуда ҳам кўхна юрт эканлиги, Буюк Ипақ йўли чорраҳасида жойлашгани, у ердан етишиб чиққан машҳур алломалар жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшгани ҳақида кўп ўқиганман. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган модернизация жара-

ёнлари, қўлга киритилаётган ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни алоҳида кизиқиш билан ўргандим. Мана шундай кўхна ва замонавий мамлакатга келиш орузида эдим. Келдим, кўрдим, ҳавас қилдим. Юртингизда тарихга хурмат тараққийёт кетган, десам, асло муболаға бўлмайди. Замонавий иншоотлар барпо этилгани қаторида қадимий обидалар ҳам обод қилинганга гувоҳ бўлдим. Айниқса, тинчлик-хотиржамлик билан байрам тадориги қўрилаётгани ҳавасини келтирди.

Эшитган бўлсангиз, Австралиянинг фарбий ҳудуди Гаскойнда сув тошқинлари, Виктория штатида эса кучли бўрон одамларнинг тинчлигини бузди. Кўпчилик уй-жойсиз қолди. Халоват йўқолди. АФСУСКИ, бу одамларнинг байрам кайфиятига ҳам таъсир ўтказмай қолмади.

Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорликни кўриб, бундай кунларнинг қадри нақадар улуг эканлигини англайсан, киши.

Сержио САПО (Бразилия):

— Табиийки, осуда юртга байрамлар ярашади.

Ўзбекистон ҳам ана шундай фарвон мамлакат. Шунинг учун бу ерда фаолият юритаётганимдан, ўзим суйган касб — футзал бўйича мураббийлик қилаётганимдан бахтиёрман.

Мени бир жиҳат доим қойил қолдирган. Ўзбекистондагидек меҳмондўст халқни дунёнинг ҳеч бир ерида кўрмаганман. Бозору дўконларда нима десангиз топилади. Байрам арафасида бозорга бориб, мева-чева харид қилишни ёқтираман. Сотувчилар "Меҳмон экансиз" деб, хушмуомалалик билан харидимни баракали қилиб беришади.

Яна шунга айтишни истардимки, мамлакатингизда футзал кенг оммавийлашиб, тараққий топмоқда. Бунда шахар, туман ва қишлоқларда бунёд этилаётган болалар спорт инфратузилмаси муҳим роль ўйнаётгани, шубҳасиз. Шунинг учун иқтидорли ёшлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу эса терма жамоага номзодлар орасидаги соғлом рақобатни кучайтиришга хизмат қилаётган.

Имкониятдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларга 2011 йил янги-янги зафарлар олиб келишини тилаб қоламан. Доимо омаднингизни берсин!

«Халқ сўзи» мухбири Саиджон МАХСУМОВ эътибор билан.



ҲАРБИЙЛАРГА ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамоллигида барча соҳаларда амалга оширилган кенг қўлмали ислохотлар натижасида шахару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, турмушимиз фарвонлашиб, юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган умид ҳамда ишончи янада мустаҳкамланди. Бундай ютуқлар жамиятимизда барқарор бўлган тинчлик ва осойишталик билан бевосита боғлиқ, албатта.

ли Кучларида хизмат қилаётганимдан ҳамisha гурурланаман, — дейди сержант Анасжон Мирзахонов. — Биз ва оиламиз учун қандай шароит лозим бўлса, барчаси яратиб берилмоқда. Мана, бугун янги уйга эга бўлдик. Турмуш ўртоғим Марғубахон ва 2 нафар фарзандим билан 3 хонали уйнинг қалитини қабул қилиб олдик. Хоналари кенг, шинам ва ёруғ экан. Янги тураржойларнинг байрам арафасида топширилиши қувончимизга қувонч қўшди. Энди Янги йилни оиламиз билан янги уйда қарши оламиз. Бундай эътибор биз, ҳарбийларни юртимиз тинчилиги ва равақли йўлида куч-маҳоратимизни, билим ва тажрибамизни ишга солишга, билдирилган ишончни астойдил оқлашга ундайди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган мард ва жасур фарзандларимиз давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий тураржойлар билан таъминлаш борасида ғамхўрликлар кўрсатилганга туйғулган Ватан ҳимоячиларининг турмуш даражаси янада юксалиб, оилавий шароити тобора яхшиланиб бораётган.

Ҳарбий хизматчилар ана шундай қулайликлардан баҳраманд бўлишди. Кеча уларга замонавий шарт-шароитларга эга янги уйлarning қалитлари тантанали равишда топширилди. Икки қаватли тураржой биносидеги имкониятлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирди.

Фахр

Уйлари эгаларига топширишга бағишланган тadbирда сўз олганлар мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар ҳақида тўхталиб, бу борада ҳарбий хизматчиларга кўрсатилган алоҳида эътибор учун Президентимизга ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

— Мамлакатимиз Курол-

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Азизат ТОШМАТОВ олган сурат.

Ташаббус

Сўх туманилик тadbиркор Ҳикматбек Мирзабеков ташаббуси билан Сарибозорча қишлоғида гўшт ва қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этилди.

Сўхда янги корхона

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу жамиятда кунига ярим тоннагача маҳсулот тайёрланиб, худуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Муҳими, корхона ишга тушиши билан 11 киши иш билан таъминланди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТ

Москвада спорт гимнастикаси бўйича анъанавий XVII халқаро турнир бўлиб ўтди.

Дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан спортчилар иштирок этган мусобақада Луиза Галиуллина ва Дарья Елизарова юртимиз шароити муносиб ҳимоя қилишди. Улар гимнастиканинг турли йўналишлари бўйича машқ бажаришда бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Иқтидорли гимнастикачимиз Антон Фокин бу сафар совриндорлар сафидан жой ололмади.

Норбек НИЁЗОВ тadbирлади.

Нуқусдаги курашга ихтисослаштирилган

Олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчиси Фарҳод Ҳрозимбетов Янги йил байрами арафасида мухлисларига ўзига хос совға ҳозирлади.

ФАРҲОДНИНГ МУНОСИБ СОВҒАСИ

Гап шундаки, Фарҳод яқинда Исроилнинг Тель-Авив шаҳрида эркин кураш бўйича ташкил этилган халқаро турнирда 60 килограмм вазн кўндалари билан рақибларини мағлубиятга учратди ва олтин медал билан тақдирланди.

Дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан кучли полвонлар иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада яна уч нафар вақилимиз ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабар

тоифасида гиламга чиқиб, барча рақибларини мағлубиятга учратди ва олтин медал билан тақдирланди.

«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

уюшмаси,
унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги
худудий бирлашмалари, тизимнинг пахтани қайта ишлаш
корхоналари жамоалари

юртимиз ободлиги,
эл-юрт манфаатлари йўлида ҳормай-толмай
меҳнат қилаётган барча ватандошларимизни
Янги йил байрами билан қизгин муборакбод этади!

Кириб келаётган 2011 йил Президентимиз томонидан
«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ»
деб эълон қилинди.

Яхши ният билан жонажон Ватанимиз равақли
йўлида бошлаган ишларингиз баракали келиб,
ушбу йил ҳар биримиз учун тинчлик ва фарвонлик
йили бўлсин.



O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

жамоаси

барча мижозларини, акциядорларини,
ҳамкорларини ва юртдошларимизни

Янги йил

билан самимий табриклайди!

*Янги йил сизга бахт-иқбол,
хонадонингизга файз-барока,
хотиржамлик ва фаровонлик олиб
келишини тилаб қоламиз!*

*Янги йил барчангизга
муборак бўлсин!*



Вақт давомида синалган ишонч!

www.uzpsb.uz

«ЎЗДАВЭНЕРГО НАЗОРАТ»

инспекцияси жамоаси

Ўзбекистон халқини
кириб келаётган

**Янги —
2011 йил**

билан қутлайди!

*Барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, мамлакатимизнинг
янада гуллаб-яшнаши,
халқимиз фаровонлигини ошириш,
иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш
ҳамда ривожлантириш йўлидаги ҳалол
ва заҳматли меҳнатингизда улкан
зафарлар тилаймиз.*

*Байрам
қайфияти ва шукҳи
юртдошларимиз қалбини
асло тарк этмасин!*




**«Олмалиқ ТОҒ-металлургия
комбинати» ОАЖ**

кўп минг сонли жамоаси барча
юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

Янги йил

билан самимий муборакбод этади!

*Она Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, юртимиз
ободлиги йўлида яратувчанлик ва бунёдкорлик завқи
билан яшаётган республикамизнинг барча аҳолисига
юрт тинчлиги, кўнгиш осойишталиги ва оила
бахтиёрлиги ҳамيشа ҳамроҳ бўлсин!*



❄️ ❄️ ❄️ ❄️ ❄️ ❄️ ❄️ ❄️

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Барча
юртдошларимизни
кириб келаётган

Янги — 2011 йил

билан самимий
муборакбод этади!

Давлатимиз раҳбари «Кичик бизнес ва хусусий-тадбиркорлик йили» деб номлаган мазкур йил ҳам мамлакатимиз халқи учун фароғатли, бахт-саодатга тўлиқ йил бўлсин!

❄️ ❄️ ❄️ ❄️ ❄️ ❄️ ❄️ ❄️



«ХАМКОРБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ

азиз
юртдошларимизни
кириб келаётган

Янги — 2011 йил

билан самимий
муборакбод этади!

Драмувчанлик ва бунёдкорлик
заъқи билан яшаётган
замондошларимизга ҳаммиса
юрт тинчлиги,
кўнгли осойишталиги ва оилавий
бахтиёрлик ҳамроҳ бўлсин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси
халқ усталари, хунармандлари,
мусаввирлари «Хунарманд» уюшмаси жамоаси



барча юртдошларимизни ва тадбиркор
хунармандларни Кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик йили —

2011 йил

билан самимий
табриклайди!

Янги йил файзли,
омадли йил бўлсин!
Барчага мустаҳкам соғлиқ,
оилавий тинчлик-
хотиржамлик, фаровон ҳаёт,
келгуси ишларида улкан
муваффақиятлар тилаймиз!



Maksam-Chirchik OAJ

ЖАМОАСИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ
барча фуқароларини


Янги — 2011 йил

билан самимий
муборакбод этади!

Юртбошимиз томонидан
«Кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик йили»
деб эълон қилинган мазкур
йилда барчага омад ёр бўлсин.
Жонажон Ватанимизнинг
жаҳон ҳамжамиятидаги
нуфузи тобора ортаверсин!



«МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»



унитар шўъба корхонаси жамоаси

юрт ободлиги йўлида
ҳормай-толмай меҳнат қилаётган
ватандошларимизни яқинлашиб келаётган

Янги — 2011 йил
билан муборакбод этади!

Барчага узоқ умр,
мустаҳкам соғлиқ ва оилавий тинчлик
тилайди. Бошлаган ҳар бир ишингиз
она-Ватан тараққиётига хизмат қилсин!

Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!



BRITISH AMERICAN
TOBACCO
UZBEKISTAN

«Бритиш Американ Табакко Ўзбекистон» компанияси
меҳмондўст ва меҳнатсевар Ўзбекистон халқини
яқинлашиб келаётган Янги йил билан табриклайди!

Янги – 2011 йил билан!

Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик йилида сизга
бахт, омад, осойишталик
ва файзу барака ҳамроҳ бўлсин!

“PETRONAS Carigali Overseas Sdn.Bhd.”

PETRONAS



КОМПАНИЯСИНИ
Ўзбекистондаги вазолатдораси
Ўзбекистон ва халқини Янги йил
билан табриклайди!

Барчангизга Янги — 2011 йилда
бахт-саодат, тинчлик-хотирасизлик
ва омад-саломатлик
тилаб қолади!

«AVTOSOZLASH»

конструкторлик-технологик бюроси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини

Янги — 2011 йил

байрами билан самимий муборакбод этади.

Давлатимиз раҳбари

«КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ»

деб номлаган мазкур йил мамлакатимиз

иқтисодиётида жадал ривожланиш даври,

юртдошларимиз ҳаётида унутилмас ютуқларга,

бахт ва омадга бой йил сифатида муҳрланиб

қолсин ҳамда байрам кайфияти йил

давомида сизларга ҳамроҳ

бўлсин, азизлар!



East Telecom

Весь спектр телекоммуникационных услуг!

TPS
Ваш интернет-провайдер

Хурматли ватандошлар!
Сизни Янги — 2011 йил билан табриқлаймиз!

Сизга ва оила аъзоларингизга тинчлик,
сиҳат-саломатлик ва барча ишларингизда
муваффақият тилаймиз!

«East Telecom», «TPS»



2011

150-00-00

Хизматлар лицензияланган.



«ЖИЗЗАХ АККУМУЛЯТОР ЗАВОДИ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни

Янги — 2011 йил

билан самимий муборакбод этади.

Мамлакат раънақи, халқ фаровонлиги

йўлидаги барча эзгу ишларига ривож,

хонадонларига тинчлик-осойишталик тилайди.



Янги йилингиз муборак бўлсин!



UKTAMBANK

очиқ акциядорлик
тижорат банки
жамоаси

Ўзбекистон халқини, барча миждозларини,
акциядорларини ва ҳамкорларини
яқинлашиб келаётган

Янги — 2011 йил

билан чин қалбдан самимий муборакбод этади!

Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти йўлида


олиб бораётган ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Янги йилда ҳам юртимизга тинчлик-осойишталик,

оилаларимизга қут-барака ва фаровонлик

ҳамроҳ бўлсин!

Янги йилингиз муборак бўлсин!



Кўп миллатли Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги йил билан табриклаймиз!

Сизга ва яқинларингизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат ва ишларингизга катта муваффақият тилаймиз!

Carlsberg
Uzbekistan

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»

КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистоннинг кўп
миллатли ва меҳнатсевар
халқини кириб
келаётган

Янги — 2011 йил
билан
самимий табриклайди!



Қадрли ҳамюртлар,
хонадонингизни
тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонингизни
қут-барака, қалбингизни
қувонч ҳеч қачон тарк
этмасин!

Ватанимиз равнақи йўлидаги ишларингизда
ижодий зафарлар тилаймиз!

htb
hi-tech bank

Хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банк

«HI-TECH BANK»

жамоаси

Ўзбекистон халқини ва
меҳмонларини кириб келаётган

Янги — 2011 йил

билан самимий қутлайди!

Янги йилда барлага тинчлик, осойишталик,
қут-барака, соғлиқ-саломатлик,
ишларингизда зафарлар тилайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
йили янги режаларнинг амалга ошиши йўлида
барлага омад келтирсин.

«HI-TECH BANK» — Сизнинг равнақингиз рамзи!



ЎЗ-ТЕКСАКО ҚҚ

Ўзбекистон халқини
Янги — 2011 йил билан
қут дилдан табриқлайди!

*Товрага тинчлик-хотиржамлик,
 фаровонлик, улғуз мақсадларга
 эришишингизда, эзгу
 ишларингизда улкан
 муваффақиятлар тилайди!*

Тел.: 8 (371) 120-67-76, 244-01-23. www.uztexaco.uz



КНОС

Корея миллий
нефть корпорацияси
 Ўзбекистон халқини қуриб қелаётган
Янги - 2011 йил
 билан табриқлайди!

*Янги йил барчага бахт, қувонч,
 фаровонлик қелтирсин.*

It is a great honor for
Korea national oil corporation
to congratulate the people
of Uzbekistan on the coming
Year of 2011!
We wish joy, welfare and prosperity
in the new year!

«Азияэлектрэнергия»
 илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

XXI асрнинг
11-йили кириб келиши муносабати билан
юртдошларимизни муборакбод этади!



Янги йилда ёшу қарининг кўнглида бегубор орзулар, эзгу ниятлар пайдо бўлишини тилаймиз. Яна бир ёшга улғаяётган юртимиз иқболлини кўриш барчамизга насиб этсин. Янги йилда халқимиз фаровон, жами пок орзулари ўзларига ҳамроҳ бўлсин. Юртимиз фаровонлиги йўлида қилаётган хизматларингиз абадий, асрларга тенг бўлсин, элимизни ҳамшиша Яратганнинг ўзи қўлласин. Яқинлашиб қелаётган йил омадларга бой бўлишини, барчага бахт ёр бўлишини чин қалбимиздан тилаймиз.



«САВДОГАР»
 ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ
 ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК
 ТИЖОРАТ БАНКИ

жамоаси
 Ўзбекистон халқини,
 ўз акциядорлари
 ва миждозларини, барча
 халқасбларини

Янги — 2011 йил
 билан сизқидилдан қўтлайди!

*Муборак айёл ҳар бир хонадонга тинчлик-омонлик,
 қўт-барока олиб келсин, барчамиз учун
 янги омадлар йили бўлсин.*

*Сиз, азизларни ўзаро манфаатли
 ҳамкорликка чорлаймиз!*

«ЎЗТРАНСАНОАТ» РЕСПУБЛИКА УЮШМАСИ

*Жамоаси
азиз ватандошларимизни*

Янги — 2011 йил

*билан самимий
муҳаббат билан эътибор билан!*


*Сизларга муштаҳкам соғлиқ-омонлик,
омлавий бахт тилаймиз. Янги йил барганда
янги омадлар йили бўлсин, азизлар!*

**«JURABEK
LABORATORIES» МЧЖ**
ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз
аҳлини*

Янги — 2011 йил

*билан самимий
табриклайди!*



*Барганда,
эки аввало,
сўхат-саломатлик,
хонадонларимизга
тинчлик-
осойишталик
тилайди.*



Ўзбекистон Республикаси

«Тасвирий ойина»

уюшмасининг Қашқадарё вилояти
бўлими жамоаси

барча юртдошларимизни

2011 – Янги йил

*байрами билан самимий
муҳаббат билан эътибор билан!*

Оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайди.



«БЕКОВОДЦЕМЕНТ»


акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни

Янги — 2011 йил

*билан чин дилдан табриклайди!
Янги йил омадли келиб,
барча эзгу орзу-ниятларингиз
рўёбга чиқсин.*

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ХАМИОРТЛАР!






TURKISTON BANK

барча юртдошларни яқинлашиб келаётган
Янги йил байрами
билан қизгин муборакбод этади!
 Янги йил барчамизга оилавий тинчлик-хотиржамлик,
 сиҳат-саломатлик, бахт ва омад олиб
 келишини чин дилдан тилайди!

2011



RBS
 The Royal Bank of Scotland

RBS NB Uzbekistan CJSC

**Ўзбекистон халқини
 кириб келаётган
 Янги йил билан
 чин дилдан
 муборакбод этади!**

Барчага мустаҳкам
 соғлиқ, тинчлик-
 хотиржамлик ва фаровон
 ҳаёт тилайди!



«Кўқон дон маҳсулотлари»
 очик акциядорлик жамияти жамоаси

яқинлашиб келаётган
Янги — 2011 йил билан
 Ўзбекистон халқини самимий табриклайди!

Хонадонингиз нурга, кўнглингиз сурурга,
 юрагингиз гурурга тўлсин, азизлар!
 Янги йил ҳар бирингизга
 янгидан-янги зафарлар
 олиб келсин!



«МАРКАЗГАЗТАЪМИНОТ»
УНИТАР КОРХОНАСИ

азиз юртдошларимизни
Янги — 2011 йил
билан самимий қутлайди.

Давлатимиз раҳбари
 «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
 ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ»
 деб номлаган мазкур йил
 Ватанимиз учун иқтисодий
 юксалишлар йили бўлсин!

Янги йил
 барчангизга бахт ва омад,
 тинчлик-хотиржамлик
 олиб келсин, азизлар!



SONATA

Ўз йўлингни танла!

Drive your way

Кафолат — 2 йил
 ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner
 www.hyundai.com.uz
 Tel. (8-371) 250-11-11

Мухтарам газетхон!
 Газетамизнинг ушбу сонидagi қўшаҳифалар беғул илова қилинмоқда.

UzbekLeasing International AO
КОМПАНИЯСИ

барча ватандошларимизни
яқинлашиб келаётган
2011 йил
билан самимий муборакбод этади!
Янги йилда юртимизга қувонч,
шодлик, тинчлик-тотувлик ҳамроҳ бўлсин!
Тадбиркор элимизга бу йил янада омадли
бўлиб, янгидан-янги қувончли
дақиқаларни тақдим этсин!

Янги йилингиз кутлуғ бўлсин!

ALOQABANK

ОАТ «Алоқабанк» жамоаси
барча юртодошларимизни,
фидоқорона меҳнат қилаётган ақилдорларини,
мижозлари ва ҳамкасбларини
кириб келаётган Янги йил
билан самимий муборакбод этади!

Янги ~ 2011 йилда сизларга
тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр,
сизхат-саломатлик тилайди!

Банк ўз мижозларига қуйидаги янги хизматларни таклиф этади:

**Юридик ва жисмоний шахслар учун
ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ**

VISA Classic карточкасига эга
бўлинг ва фойдаланинг.

ОАТ «Алоқабанк» VISA Classic
карточкаси сафарларингизда сизнинг
тенгсиз ҳамроҳингиздир.

Шунингдек, банк аҳолига жозибадор омонатларини таклиф этади.

Хизматлар лицензияланган.

Тел.: (+998 71) 252 78 82
www.aloqabank.uz
info@aloqabank.uz

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

ЭЗГУ ИШЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

“Ислохотлар ислохот учун эмас, инсон манфаатлари учун”, деган тамойил мустақиллик йилларида аҳоли турмушини яхшилаш, унинг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш каби устувор вазифаларни амалга оширишда ўзини хос эзгу даъват бўлиб хизмат қилаётган Президентимиз ҳар бир чиқишларида, албатта, ушбу масалага алоҳида эътибор қаратадилар.

Жумладан, Конституциямиз қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида гамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги кенг қамровли ишларга атрофлича тўхталиб ўтилди. Айтиш жоизки, маъzur йўналишдаги чора-тадбирлар Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти фаолиятининг ҳам асосини ташкил этади.

Жамиятнинг Фаргона вилояти бўлимида аҳолини бевосита факулдада вазиётларга тайёрлаш, биринчи ёрдам кўрсатиш, жабрланганларни хавфсиз жойларга кўчириш, жамият сафида кўнгилли кўтарувчи ва ёрдам кўрсатувчи гуруҳларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Шу билан бирга, фаолиятимизни давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 сентябрдаги “2007 — 2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори асосида олиб бораямиз.

Масалан, факат жорий йилнинг ўзида Фаргона шаҳридаги 118 нафар болаликдан ногирон, кам таъминланган шахс-

ларни мунтазам қарамоғимизга олдик. Шаҳардаги Саховат уйида яшовчи 180 нафар қария ҳам йил буйи эътиборимизда, эъозимизда бўлди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш буйича юртимизда амалга оширилаётган ижобий ишларга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида, Мурувват уйида тарбияланувчи 70 нафар

Фаолиятимизда баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратаймиз. Шу мақсадда мактаб ўқувчилари, талабалар ўртасида “Ешлар — гийёҳандликка қарши!” мавзусида ўтказилаётган кенг қамровли тадбирлар, кўرғазмаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Жамиятнинг Марғилон шаҳар бўлими қошида эса бевосита шундай тадбирлар ташкил этадиган ёшлар клуби фаолият кўрсатаётган. Бу клуб шаҳардаги мактаб ва коллежларда саҳна кўринишлари, кўрғазмали плакатлар орқали гийёҳандлик, ОИТСга қарши акциялар ўтказиб келинган. Шунингдек, унинг Укўфотж, Бешарик, Езёвон туманларида ташкил қилинган шоу-тадбирлари ҳам ёшларнинг аср иллатлари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишларига, унинг муҳим оқибатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилишларига ёрдам бериб, соғлом ҳаёт тарзига риоя этишларига туртки бўлаётгани биз учун қувонарлидир. Қўқон шаҳридаги Енгил саннат коллежида бўлиб ўтган “Баркамол авлод — келажак пойдевори” мавзусидаги тадбирда йигит-қизлар соҳа мутахассисларида репродуктив саломатлик, йод танқислиги, қандли диабет, сил касалликларининг профилактикаси билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Бундай мулоқотлар мамлакатимизда кенг қўламда амалга оширилган “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар билан уйғунлашиб кетди.

Хурсаной ИСЛОМОВА,
Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти Фаргона вилояти Кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати.

Жараён

болани спорт кийимлари билан таъминладик. Бундан ташқари, жамиятимизнинг Учкўлрик, Бешарик, Фаргона туманлари, Қўқон, Марғилон шаҳарлари бўлими томонидан кам таъминланган оилалар, ёлғиз ногиронлар ҳолидан хабар олиш кундалик юмушга айланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 37513 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Янги йилингиз билан!
Янги — 2011 йилнинг
ҳар бир куни
тинчлик ва бахт
олиб қелсин!

Infin BANK

Алишер Навоий
НОМЛИ

Киносаройи

пойтахтимиз болажонларини
Янги йилнинг биринчи
ўн кунлигида ҳар куни
соат 10.00 да янги барпо
этилган махсус болалар
кинозалида ўзбек ва чет эл
мультифильмларини
бепул томоша қилишга таклиф этади!

Манзил: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

“Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик компанияси жамоаси бош юриконсулт Матусмон Утагановга волидан муҳтарамаси
ПАТИМА аялиғ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

“O'zbekiston” телерадиоканали жамоаси Кино дастурлар ва тезкор дубляж студияси режиссёри Йулдош Ҳайдаров падари бузруквори
БОТИР отаниғ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 155,2 ▲ +0,7 ЦЕМЕНТ (пц400 к20) 144,9 ▲ +2,1 АРМАТУРА 2049,6 ▼ -7,8 ШИФЕР (1 лист) 12326 ▲ +103,0 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

ТАХРИРЯТТА КЕЛГАН ҚЎЛЪМЛАР ТАКРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРЛМАЙДИ.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаввир — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5